

ДИНИЙ ИХТИЛОФЛАР ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ, УНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР

“Ихтилоф” сўзи луғавий жиҳатдан “қарама-қарши бўлмоқ”, “мос келмаслик” ёки “зид бўлмоқ” маъноларини англатади. Кўп ҳолларда, ушбу сўз бир фикрга нисбатан қарши бўлган кайфиятнинг мавжудлигидан огоҳ қилиб, салбий маъноларда қўлланилади. Шунинг учун маълум мафкура, эътиқод ёки сиёсий қараш юзасидан пайдо бўлган ихтилофларга жиддий муносабат талаб қилинади. Сабаби, унинг замирида шу ғоялар ва эътиқодларга эргашувчи жамоаларнинг бир-бирига нисбатан қарама-қаршилиги мавжуддир. Зиддиятлар оқибатида эса жамият хавфсизлиги, тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар юзага келади. Бундай таҳдидни бартараф қилиш учун ихтилофни юзага келтираётган сабабларга ечим топиш талаб этилади.

Ҳозирги кунда оғир оқибатларни пайдо қилаётган ҳамда давлатлар ва миллатлар ўртасида можаро ёки уруш ҳолати даражасига қадар олиб бораётган ихтилофлар ичида дин ва эътиқод билан боғлиқ зиддиятларнинг авж олаётгани ўта хатарлидир.

Таъкидлаш лозимки, дин билан боғлиқ қарама-қаршиликлар аслида кўпчилик тарафидан эмас, балки жамиятдаги маълум гуруҳ ёки шахслар томонидан бирор бир мақсадни кўзлаб юзага келтирилади. Мазкур тоифалар ихтилоф ёрдамида ўзининг қараши ва сиёсатини жорий қилиш, бошқарувни қўлга олиш ва амалдаги жараёнларга таъсир қилиш орқали сафдошлар контингентини шакллантиришни мақсад қилганини кузатиш мумкин бўлади. Диний ихтилофни чиқаришда шахс ёки гуруҳлар томонидан қуйидаги даъволарни илгари суриш кўпроқ кузатилади:

- авлоддан-авлодга ўтиб келаётган диний масалалар ва қадриятлардан камчилик излаш;
- диний қадриятлар борасида ислоҳотларни даъво қилиш;
- замонавий ҳолатларни инкор қилган ҳолда диний арконлар жорий қилинган давр қоидаларини тиклашни талаб қилиш;
- инсонларнинг кийими ва юриш туришига нисбатан муросасизлик кайфиятини пайдо қилиш;
- жамиятдаги турли миллат ва динлар ўртасидаги дўстона муносабатларни инкор қилиш орқали диний адоватни кўзғаш;
- мавжуд сиёсий тузумни тўлиқ қарши бўлган ҳолда диний тусдаги бошқарув жорий этилишини талаб қилиш.

Олимлар томонидан диний адоват феномени асосидаги ихтилоф мавзусига чуқур эътибор қаратилган бўлиб, уни илгари сураётган жамоалар ёки шахсларнинг наздида ягона илоҳий ҳақиқат фақат уларга билдирилган ҳамда уларгина шу ҳақиқатни бошқаларга тарқатиш ваколатига эгаллиги айтилади. Бундай ёндашув услуби “партикуляризм” деб номланган. Мазкур ёндашув замирида душман томонни ахтариш, салбий шахс портретини пайдо қилиш ҳаракати ётади. Сабаби, салбий образ ёрдамида шахс ёки гуруҳлар ўз қарашлари ва иддаоларини энг мақбул, яъни эталон даражасидаги эканлигини билдиришлари осон бўлади. Ачинарли томони, “партикуляризм” ёндашувида агар душман топилмаса, жамоа ёки гуруҳ уни ўз ичидан ахтаришга киришиб, уни омма олдида жазолаш орқали тартиб интизомни жорий қилишлари ҳам мумкин бўлади.

Шу билан бирга, “партикуляризм” ёндашувидаги диний ихтилофлар “ҳақиқат ва ёлғон”, “яхши ва ёмон”, “фойдали ва зарарли” каби очиқчасига ажратишлар орқали намоён бўлиши мумкин.

Шунингдек, мутахассисларнинг фикрига кўра, диний ихтилофлар маълум бир давлатдаги дунёвий тартиб қоидалар ва жараёнларнинг хусусиятлари билан ҳам боғлиқ бўлади. Дунёвий маданиятнинг пайдо бўлиши ортида жамият маданиятидаги ўзгаришлар юзага келади ва бу маълум қатламлар наздида қадриятларнинг унутилиши, топталиши сифатида қабул қилинади. Шу сабабли, ўзгаришни ўзига душман деб билган шахс ёки гуруҳлар имкониятлари даражасида жамиятда диний адоват муҳитини пайдо қилиш билан воқеаларга таъсир қилишга ҳаракат қиладилар.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керакки, бугунги кунда биргина Африка қитъасининг Судан ҳудудида турли диний конфессиялар ўртасида содир бўлган ихтилоф натижасида 2 млн дан ортиқ одам ҳалок бўлди. Судан мамлакатини 600 мингга яқин аҳоли тарк этишга мажбур бўлган. Шу билан бирга, Нигерия, Ливия, Сурия, Покистон ва Афғонистон ҳудудларидаги айрим мутаассиб жамоаларнинг диний адовати натижасида йилига юз минглаб одамлар ҳалок бўлмоқда.

Дин билан боғлиқ ихтилофли масалаларнинг яна бир оғриқли тарафи шунда намоён бўлмоқдаки, у орқали ёш авлоднинг дунёқараши ва давлат билан соғлом муносабатига дарс кетади, мавжуд қонунлар ва тартиблар инкор қилинади, диний соҳадаги олимлар ва ҳурматли кишиларга бўлган ишонч тугатилади. Бунинг оқибатида эса давлатлар таназзулга юз тутади, жамиятлар пароканда бўлади.

Шу сабабли ҳам ихтилоф масаласига ислом динида ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ундан сақланишга мусулмон уммати даъват қилинган. Ҳатто, ихтилоф чиқариш ҳаракатлари фитна пайдо қилишга тенглаштирилган бўлиб, унга қўшилиб қолиш оғир гуноҳ ва салбий оқибатларга сабаб бўлиши муқаддас динимизда кўп бора уқтирилган. Қуръони каримда келтирилган оятларда шундай чақириқни кўришимиз мумкин: **“Аллоҳга ва унинг Расулига итоат қилинг. Ўзаро низо қилманг, у ҳолда тушкунликка учрайсиз ва куч қувватингиз кетади. Ва сабр қилинг. Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар биландир”**. (Анфол сураси, 46-оят). Ушбу оятда Аллоҳ таоло мусулмонларни ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида низога бормасликка чақирмоқда. Шунингдек, Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда: *“Ихтилоф қилманглар, яна қалбларингиз ихтилофли бўлиб қолмасин”*, деганларини айтиш лозим. Мусулмон уммати учун ҳадисларда қайтарилган нарсадан қайтмоқ лозим ҳисобланади. Ислом динида ихтилофнинг энг ёмон оқибати инсон қалбининг ихтилофли бўлиб қолишига мойиллигидир. Чунки, инсон томонидан бир-икки бор ихтилоф содир бўлганидан кейин, унинг таъсирида қалблар ихтилофли бўлиб қолади. Кейин эса ўшандай қалб эгалари, шубҳасиз, келишмовчилик ва уруш-жанжаллардан чиқмай қолади. Шундай экан, мусулмонлар беҳуда тортишувлардан қочиши ҳамда тинглашни, қулоқ тутишни ва итоат қилишни яхши ўрганиб олишлари зарур ҳисобланади.